



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 12 » oktabr

№ 639

Toshkent sh.

Муқобил энергетика, электротехника ҳамда микроэлектроника саноатини ривожлантириш, яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада муқобил энергетика, микро ва наноэлектроника ҳамда конденсацияланган муҳитлар (жумладан, яримўтказгичлар) физикаси соҳаларида чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш, замонавий асбоб-ускуналарда илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали янги натижалар олиш – илмий ҳажмдор технологияларни яратишни, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжига мувофиқ илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш ва электротехника саноатининг ривожланишини таъминлайди. Бу ўз навбатида мамлакатнинг технологик ривожланиш истиқболлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонида белгиланган вазифаларга мувофиқ муқобил энергетика ҳамда электротехника саноатини ривожлантириш, яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, дунё илм-фани билан интеграциялашувни таъминлаш, соҳага замонавий билим ва кўникмага эга юқори малакали мутахассислар, илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда – Институт) моддий-техника базасини

ривожлантириш ва фаолиятини кучайтириш орқали республикада муқобил энергетика, микро ва наноэлектроника ҳамда яримўтказгичлар физикаси соҳаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, дунё илм-фани билан интеграциялашадиган, натижадорликка қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва истиқболда илмий ҳажмдор технологияларни яратиш орқали инновацион ишланмаларни республика иқтисодиёти реал секторига жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Муқобил энергетика, электротехника саноати, микро ва наноэлектроникани ривожлантириш, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти фаолиятини кучайтириш бўйича мақсадли комплекс дастур 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

муқобил энергетика, электротехника саноати, микро ва наноэлектроникани ривожлантириш мақсадида соҳага юқори малакали мутахассислар, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

илм-фан ва таълим интеграциялашувини чуқурлаштириш, ёшларни илм-фанга, иқтидорли талабалар ва докторантларни соҳага оид илмий тадқиқотларга фаол жалб этишга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш;

Институтнинг моддий-техника, илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш, янги илмий натижаларни тижоратлаштиришга кўмаклашувчи тузилмаларни ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш, ёш олимларга ижтимоий шароитлар яратиш;

Институтнинг халқаро илмий-техник ҳамкорлигини ривожлантириш, ёш олимларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижадорлигини фаоллаштириш.

3. Институт тузилмасида:

“Яримўтказгичлар материалшунослиги” лабораторияси негизида “Микроэлектроника ва электротехника материалшунослиги” лабораторияси;

“Гелиофизика ва муқобил энергия манбалари” лабораторияси негизида “Муқобил энергия манбалари” лабораторияси;

“Ядро-физикавий тадқиқотлар” лабораторияси негизида “Ядро-физикавий тадқиқот методлари” лабораторияси ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини 2027 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорига, зарур ҳолларда, Институт тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади;

Институт илмий ходимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Институтга давлат илмий дастурлари доирасида бажарилаётган илмий лойиҳаларга ажратилган бюджет маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан биргаликда бир ой муддатда Институтнинг янги таҳрирдаги Устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳамда Беларусь Республикасининг “Микро-, опто-, ўта юқори частотали электроника” инновацион-саноат кластери ўртасида қуйидагиларни назарда тутувчи битим имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

илмий таҳлил ва технологик прогноз қилиш орқали яримўтказгичлар физикаси соҳасини ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини биргаликда амалга ошириш;

халқаро семинарлар, конференциялар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказиш;

магистратура, докторантура орқали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, уларни стажировкага юбориш;

томонларда мавжуд замонавий таҳлилий ва тадқиқот асбоб-ускуналаридан фойдаланиш бўйича ўзаро хизмат кўрсатиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Институт тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги олий таълим муассасалари**ро **конструкторлик-тажриба бюросига** эга бўлган **Микроэлектроника илмий-инновацион марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олиб ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, сифатли муқобил энергетика, электротехника ҳамда микроэлектроника соҳасида конструкторлик ва тажриба ишларини амалга ошириш;

юқори технологияларга асосланган импорт ўрнини босувчи қурилмалар, асбоб-ускуналарни маҳаллийлаштириш ва экспортбоп қурилмаларни ишлаб чиқиш юзасидан фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш;

илмий-педагог ходимлар, мутахассислар, ёш олимлар, иқтидорли талабалар ва ўқувчиларни амалий илмий тадқиқотларга жалб қилган ҳолда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари буюртмалари асосида муқобил энергетика, электротехника ҳамда микроэлектроника, бошқарув, ишлаб чиқариш, бошқа йўналишлардаги жараёнларни автоматлаштириш, уларнинг моделлари, тажриба намуналари, тажриба-конструкторлик ишланмалари, дастурий маҳсулотларини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

мудофаа саноати учун маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари буюртмалари бўйича эскирган ускуналарни модернизациялаш;

хорижий мамлакатларнинг яримўтказгичлар физикаси, микроэлектроника ва муқобил энергетика соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

9. Белгилансинки:

Марказ фаолиятини амалга ошириш учун Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади, белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланади;

Марказ фаолияти илмий лойиҳалар ва хўжалик шартномалари ҳисобидан шакллантирилган маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан биргаликда Марказни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда Институтнинг “ЭГ-2 СОКОЛ электростатик тезлатгич” ноёб илмий объектини модернизациялаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

11. Институт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ–4936-сон қарори билан тасдиқланган 2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрларида иқтисод қилинган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини қайта тақсимлаш орқали Институт бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, ёш олимлар турар жойини барпо этиш ишларига 2021 йилда 10 млрд сўм маблағ ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Институт бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш ишларини белгиланган тартибда амалга ошириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Институт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида “Микроэлектроника ва электротехника материалшунослиги” ва “Муқобил энергия манбалари” лабораторияларини замонавий илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун зарур бюджет маблағларини 2022–2023 йилларда Институтнинг харажатлар сметасида назарда тутсин.

13. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги **Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг Васийлик кенгаши** таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Институтни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш учун молиявий ёрдам ташкил этиш, хайрия, техник кўмак маблағлари (грантлар) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

яримўтказгичлар физикаси, муқобил энергетика, электротехника ҳамда микроэлектроника соҳасида Институтни ривожлантиришга кўмаклашувчи дастурлар ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолиятига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишга кўмаклашиш;

Институтнинг илмий ва илмий-педагог кадрлари ва ёш олимларининг Scopus ва Web of science каби маълумотлар базасига кирган халқаро илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш борасидаги сарф-харажатларини молиялаштириш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва ўқув-методик ишлар бажарилишидан келиб чиқиб уларни моддий рағбатлантириб боришни ташкил этиш;

Институтда олий таълимдан кейинги таълим жараёнини ташкил этиш учун малакали илмий-педагог кадрлар, жумладан, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёш олимлар, докторантларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга докторантура ва стажировкага юборилишини таъминлаш;

Институт ходимларининг меҳнат шароитларини ҳамда уларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

Институт биноларининг қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун зарур молиявий маблағлар йўналтирилишини, замонавий илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Tashelectronics” масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталидаги давлат улушини бошқариш функциясини Институтга бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Институтнинг моддий-техника базаси ва етакчи олимлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент давлат транспорт университетининг базавий кафедралари филиалларини Институтда ташкил этиш чораларини кўрсин.

Бунда:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари талабалари учун Институт базасида ўқув ва амалиёт дарсларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари тадқиқотларини олиб бориши йўлга қўйилади;

Институтнинг етакчи олимлари битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик ишларига жалб этилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Институтнинг Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциациясини жалб қилган ҳолда республикада мавжуд физика фани чуқур ўқитиладиган умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар билан Институт ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, юқори синф ўқувчиларини илм-фанга жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда амалиётга жорий этсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Институтнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашида тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 25 июндаги 468-сон қарорининг 3-банди ва унга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “12” октябрдаги 639 -сон қарорига
1-илова

**Муқобил энергетика, электротехника саноати, микро ва наноэлектроникани ривожлантириш,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси
ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти фаолиятини кучайтириш бўйича
МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУР**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Муқобил энергетика, электротехника саноати, микро ва наноэлектроникани ривожлантириш мақсадида соҳага юқори малакали мутахассислар, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш					
1.	Яримўтказгичлар физикаси ҳамда яримўтказгичли микроэлектроника соҳасида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда тегишли олий таълим муассасаларига юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш.	<p>1. Илмий тадқиқот йўналишларини республика иқтисодиёти реал сектори муаммоларининг ечимига йўналтириш.</p> <p>2. Докторлик диссертациялари ва илмий тадқиқот ишлари мавзуларини муқобил энергетика, электротехника саноати каби соҳаларнинг муаммолари асосида шакллантириш.</p> <p>3. Соҳа бўйича илмий даражали кадрларни тайёрлаш кўламини кенгайтириш мақсадида янги “Микроэлектроника” ихтисослигини очиш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>2021 йил ноябрдан бошлаб доимо</p> <p>Доимо</p> <p>2021 йил декабрь</p>	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Олий аттестация комиссияси, Институт
2.	Тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг янги ўқув дастурлари, дарсликлари, ўқув қўлланмаларини яратишга амалий	1. Фаннинг сўнгги ютуқларини инobatга олган ҳолда ўқув ва илмий адабиётларнинг янги авлодини яратиш.	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб доимо	Шартнома асосида жалб қилинган маблағлар, Институтнинг бюджетдан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор олий таълим муассасалари, Институт

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	ёрдам кўрсатиш орқали ўқув-методик ишларнинг даражаси ҳамда сифатини ошириш.	2. Соҳанинг халқаро даражадаги ютуқлари асосида талабалар учун интерактив маърузалар тайёрлаш ва ўқув жараёнида фойдаланиш.	Доимо	ташқари маблағлари	
3.	Институтда соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган етакчи олий таълим муассасаларининг базавий кафедралари филиалларини ташкил этиш.	<p>1. Тегишли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш ва имзолаш.</p> <p>2. Базавий кафедралар филиалларида ўқитиладиган фанларни аниқлаш, тегишли ўқув режалари ва фан дастурларини амалий билим беришга қаратиб такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш.</p> <p>3. Талабаларни Институт моддий-техника базаси, лабораториялари ва имкониятлари билан таништириш, олимлар билан учрашувлар ўтказиш.</p> <p>4. Институт базасида ўқув ва амалиёт дарсларини ташкил этиш, шунингдек, талабаларнинг битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари тадқиқотларини олиб бориш.</p> <p>5. Битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиш.</p> <p>6. Институт олимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил ноябрдан бошлаб доимо</p> <p>Ҳар ўқув йили бошланишида доимо</p> <p>Ўқув йили давомида</p> <p>Ўқув йили давомида</p> <p>Доимо</p>	—	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Институт, манфаатдор олий таълим муассасалари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
4.	Институтда фаолият олиб бораётган яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника соҳасида ягона ихтисослашган “Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника” илмий журнаlining инглиз тилидаги варианты – “Eurasian Journal of Semiconductors Science and Engineering”ни Scopus маълумотлар базасига киритиш.	<p>1. “Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника” илмий журнаlining нашр этиш фаолиятини халқаро талаблар асосида шакллантириш.</p> <p>2. “Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника” илмий журнаlining электрон платформасини яратиш (замонавий веб-сайт, мобил дастури ва ҳ.к.).</p> <p>3. “Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника” илмий журнаlining инглиз тилидаги варианты – “Eurasian Journal of Semiconductors Science and Engineering”ни Scopus маълумотлар базасига киритиш чораларини кўриш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2023 йилдан бошлаб</p>	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Институт
5.	Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш.	<p>1. Институт ва Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти ўртасида ҳамкорлик меморандумини тузиш.</p> <p>2. Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институтнинг малакали илмий ходимларини “Муқобил энергия манбалари” лабораторияси фаолиятини ташкил этиш ва илмий йўналишларни белгилашга жалб этиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>Келишув асосида</p>	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Институт
II. Илм-фан ва таълим интеграциялашувини чуқурлаштириш, ёшларни илм-фанга, иқтидорли талабалар ва докторантларни соҳага оид илмий тадқиқотларга фаол жалб этишга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш					
6.	Юқори синф мактаб ўқувчиларини илм-фанга, иқтидорли талабалар ва докторантларни соҳага оид илмий тадқиқотларга фаол жалб этиш.	1. Физика фанига ихтисослаштирилган таянч мактаблар ва уларга бириктирилган олий таълим	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб доимо	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>муассасаларининг кафедралари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.</p> <p>2. Физика фани бўйича мактабларнинг юқори синфлари ўқувчиларини илм-фанга, иқтидорли талабалар ва докторантларни соҳага оид илмий тадқиқотларга жалб этиш мақсадида Институт лабораторияларидан фойдаланиш учун шароитлар яратиш.</p> <p>3. Институтда ўтказиладиган конференциялар, тадбирлар ва илмий тадқиқотларда физика фани бўйича мактабларнинг юқори синфлари ўқувчилари, иқтидорли талабалар ва докторантларнинг иштирок этишини таъминлаш.</p> <p>4. Мактабларнинг юқори синфлари ўқувчилари ва бакалаврият таълим йўналишлари талабалари учун “Ёш конструктор” клубини ташкил қилиш ва амалий тадқиқот ўтказишни ўргатиш.</p> <p>5. Институтга бириктирилган умумтаълим мактаблари учун физика фани бўйича лаборатория стендлари ва машғулотларни ташкил этиш, мультимедиа ва видео-қўлланмалар яратиш.</p>	<p>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб доимо</p> <p>Доимо</p> <p>2021 йил декабрдан бошлаб доимо</p> <p>Доимо</p>		<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Институт</p>
7.	<p>Иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва докторантларнинг илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш.</p>	<p>1. Иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва докторантларни Институтда бажарилаётган илмий лойиҳалар</p>	<p>Тадбирлар режасида белгиланган муддатларда</p>	<p>Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети,</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>доирасида иш фаолияти билан таъминлаш.</p> <p>2. Илмий фаолият йўналишида ютуқларга эришган ёшларни, иқтидорли талабалар ва докторантларни қўллаб-қувватлаш учун уларни Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциацияси доимий аъзолигига қабул қилиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва докторантлар томонидан яратилган ишланма ва ихтироларни рағбатлантириш механизмини йўлга қўйиш.</p>	<p>Доимо</p> <p>Доимо</p>		<p>Институт</p>
8.	<p>Институнинг Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциацияси фаолиятини ривожлантириш.</p>	<p>1. Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциацияси билан биргаликда мактабларнинг юқори синфлари ўқувчиларини илм-фанга, иқтидорли талаба ва докторантларни соҳага оид илмий тадқиқотларга кенг жалб этиш.</p> <p>2. Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциацияси томонидан мактабларнинг юқори синфлари ўқувчилари, иқтидорли талабалар ва докторантлар иштирокида “Энг фаол ёш физик” каби танловларни ташкил этиш.</p> <p>3. Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциацияси логотипини яратиш ва кўкрак нишонини таъсис этиш.</p>	<p>2021 йил ноябрдан бошлаб доимо</p> <p>Доимо</p> <p>2022 йил февраль</p>	<p>Шериклик шартномалари асосида, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Институт томонидан соҳа хорижий илмий-тадқиқот олий таълим муассасалари, физика соҳасидаги ассоциациялари билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда турли тадбирларни ўтказиш бўйича келишувларга эришиш орқали Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимларининг ассоциацияси мавқеини ошириш.	2022 йилдан бошлаб доимо		
9.	Яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги олий таълим муассасалариаро конструкторлик-тажриба бюросига эга бўлган Микроэлектроника илмий-инновацион маркази фаолиятини ташкил этиш.	1. Марказнинг таъсис хужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш. 2. Марказнинг асосий фаолият йўналишларига мувофиқ бошланғич ишларни ташкил этиш, илмий-тадқиқот ва конструкторлик тажриба ишларини белгилаш. 3. Манфаатдор олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича шартномаларни имзолаш.	2022 йил февраль 2022 йил март 2022 йил апрелдан бошлаб доимо	—	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт
10.	Институт Васийлик кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Институт Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш. 2. Васийлик кенгаши муҳокамасига олиб чиқиладиган долзарб масалаларни ўз ичига қамраб олган йиллик иш режасини тузиш ва тасдиқлаш. 3. Иш режасига мувофиқ Васийлик кенгаши мажлисларини ўтказиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.	2021 йил декабрь 2022 йил январь Иш режасига мувофиқ	—	Васийлик кенгаши

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
11.	<p>Ҳар хил чуқур сатҳли элементлар билан легирланган кремнийда киришмали нуқсонли комплексларнинг ҳосил бўлиш ва ривожланиш механизмларини экспериментал тадқиқ қилиш.</p>	<p>1. Кремнийни ҳар хил чуқур сатҳли элементлар билан легирлашнинг физик-кимёвий жиҳатлари ва технологик режимларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кремнийнинг тақиқланган зонасида турли элементлар ҳосил қиладиган чуқур сатҳларнинг энергетик спектри ва электрон ҳолатларини аниқлаш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар натижасида иссиқликка ва радиацияга ва бошқа ташқи таъсирларга чидамли янги яримўтказгичли материаллар ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил июнь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	<p>–</p>	<p>Институт, манфаатдор олий таълим илмий-тадқиқот муассасалари</p>
12.	<p>Муқобил энергетика, электротехника саноати ҳамда микроэлектроника соҳаси учун зарур бўлган турли яримўтказгичли материаллар, структураларни тадқиқ қилиш, улар асосида яримўтказгичли асбоб-ускуналарни яратиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Тадқиқотлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва истеъмолчи корхоналарнинг илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.</p> <p>2. Лойиҳалар мавзусини танловда эълон қилишга тақдим этиш.</p> <p>3. Тадқиқотлар мавзусини танловда эълон қилиш.</p> <p>4. Танловда қатнашиш учун лойиҳани тақдим этиш.</p> <p>5. Экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил март</p> <p>Танлов шартларига кўра</p> <p>Танлов эълон қилинган бир ой муддатда</p> <p>Танлов натижаларига кўра</p>	<p>Илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Институт</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
13.	<p>Республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган ташкилотлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш муаммоларига бағишланган ишларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Етакчи тармоқ ва соҳа ташкилотлари билан тегишли шартномалар тузиш.</p> <p>2. Ҳамкорликда бажариладиган ишлар режасини тузиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олиб Институт ходимлари иштирокида илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш муаммоларига бағишланган ишларни бажариш.</p> <p>4. Муқобил энергетика, электротехника, микроэлектроника соҳаси учун тажриба намуналари, тажриба-конструкторлик ишланмалари, дастурий маҳсулотларни яратиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июндан бошлаб доимо</p> <p>2022 йил октябрдан бошлаб эҳтиёжга мувофиқ</p>	<p>–</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Институт, манфаатдор ташкилотлар</p>
<p>III. Институтнинг моддий-техника, илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш, янги илмий натижаларни тижоратлаштиришга қўмаклашувчи тузилмаларни ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш, ёш олимларга ижтимоий шароитлар яратиш</p>					
14.	<p>Институтда “Микроэлектроника ва электротехника материалшунослиги” ва “Муқобил энергия манбалари” лабораторияларини ташкил этиш ва жиҳозлаш.</p>	<p>1. Янги лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Институтнинг янги тахрирдаги Уставини ишлаб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.</p> <p>2. “Микроэлектроника ва электротехника материалшунослиги” ва “Муқобил энергия манбалари” лабораторияларига зарур бўлган илмий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхатини шакллантириш ва дастлабки ҳисоб-китобларни амалга ошириш.</p> <p>3. Лабораторияларни жиҳозлаш учун зарур маблағ ажратиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил январь</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Институт</p> <p>Молия вазирлиги,</p>


Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>4. Зарур илмий асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмларни белгиланган тартибда харид қилиш.</p> <p>5. Лабораторияларни жиҳозлаш ва уларнинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022-2023 йиллар</p>		<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>
15.	<p>Институт моддий-теника базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш.</p>	<p>1. Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, ёш олимлар турар жойини барпо этиш бўйича лойҳа-смета ҳужжатлари ҳамда харажатлар сметасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Институт бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини бошлаш учун маблағ ажратиш.</p> <p>3. Институт бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ишларини бошлаш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил январь</p>	<p>2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Институт</p>
16.	<p>Институтнинг яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги тажриба-саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш.</p>	<p>1. Институтда яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги олий таълим муассасалариаро конструкторлик-тажриба бюросига эга бўлган Микроэлектроника илмий-инновацион марказини ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Беларусь Республикасининг “Микро-, опто-, ўта юқори частотали электроника” инновацион-саноат кластери билан ҳамкорликда Марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча келишувларга эришиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил февраль</p>	<p>Ўзбекистон Миллий университетининг бюджетдан ташқари маблағлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари,</p>	<p>Васийлик кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Марказ фаолиятини йўлга қўйиш, унинг бино ва иншоотларини барпо этиш, мебель, зарур асбоб-ускуналар ҳамда бутловчи қисмлар билан жиҳозлаш.	2022-2023 йиллар давомида	Васийлик кенгаши томонидан жалб қилинадиган маблағалар	
17.	Турли хил нурланишларнинг яримўтказгичли материаллар ва улар асосидаги асбоб-ускуналарнинг хусусиятларига таъсирини ўрганиш мақсадида Институтнинг “ЭГ-2 СОКОЛ электростатик тезлатгич” ноёб илмий объектини модернизация қилиш.	<p>1. “ЭГ-2 СОКОЛ электростатик тезлатгич” ноёб илмий объектини модернизация қилиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “ЭГ-2 СОКОЛ электростатик тезлатгич” ноёб илмий объектини модернизация қилиш бўйича харажатлар сметасини шакллантириш.</p> <p>3. “ЭГ-2 СОКОЛ электростатик тезлатгич” ноёб илмий объектини модернизация қилиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022-2023 йиллар</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Миллий университетининг бюджетдан ташқари маблағлари, Васийлик кенгаши томонидан жалб қилинадиган маблағалар</p>	<p>Васийлик кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт</p>
IV. Институтнинг халқаро илмий-техник ҳамкорлигини ривожлантириш, ёш олимларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижадорлигини фаоллаштириш					
18.	Россия Федерациясидаги яримўтказгичлар физикаси, муқобил энеретика, микро ва наноэлектроника йўналишида илмий тадқиқотларни олиб борадиган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.	<p>1. Россия Федерацияси Илм-фан ва олий таълим вазирлигига ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифларни белгиланган тартибда юбориш.</p> <p>2. Россия Федерацияси тегишли олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларини аниқлаш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил март</p>	<p>Ўзбекистон Миллий университетининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Ҳамкорлик ўрнатиш бўйича тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун Россия томонига юбориш.	2022 йил май		
19.	Яримўтказгичлар физикаси соҳасида етакчи ҳисобланган хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорликни ўрнатиш.	<p>1. Беларусь, Украина, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Германия каби давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.</p> <p>2. Яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига етакчи хорижий олим ва экспертларни жалб қилиш.</p> <p>3. Хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорликда илмий-техник лойиҳаларни бажариш.</p>	<p>2022 йилдан бошлаб доимо</p> <p>2022 йил сентябрдан бошлаб доимо</p> <p>Эришилган келишувларга мувофиқ</p>	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт
20.	Хорижий илмий марказларда меҳнат қилаётган ватандош олимларни Институтнинг тадқиқотларида иштирок этиш учун жалб қилиш.	<p>1. Хорижий илмий марказларда меҳнат қилаётган ватандошларнинг маълумотлар базасини шакллантириш.</p> <p>2. Ватандош олимларимиз билан доимий асосда музокаралар олиб борилишини таъминлаш ва улар иштирокида тадқиқот ишларининг кўшма лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>3. Лойиҳани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан келишиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p>	“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари, Васийлик кенгаши томонидан жалб қилинадиган маблағалар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Институт
21.	Республикадаги яримўтказгичлар физикаси, муқобил энергетика, микроэлектроника соҳаси бўйича докторлик диссертацияларига илмий	1. Хорижий олимларни жалб қилиш учун Институт ва тегишли олий таълим муассасаларида яримўтказгичлар физикаси, муқобил энергетика, микроэлектроника каби соҳалар бўйича	2022 йил март	Олий таълим муассасалари маблағлари,	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	раҳбарлик қилиш учун хорижий олимларни жалб қилиш.	<p>диссертацияларнинг устувор илмий мавзуларини белгилаб олиш.</p> <p>2. Устувор йўналишлар бўйича докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиш учун хорижий олимларни республикага жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Квоталарни дастлабки режалаштириш ва ишлаш шароитларини яратиш мақсадида етакчи илмий марказларнинг олимлари билан музокаралар олиб бориш.</p> <p>4. Етакчи хорижий ташкилотлар билан қўшма тадқиқотлар режасини ишлаб чиқиш ва шартномалар тузиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май-июнь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари	Ўзбекистон Миллий университети, Институт, манфаатдор олий таълим муассасалари

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги
Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони (техник фойдаланиш ва хўжалик бўлимининг техник ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 55 нафарни ташкил этади.

Ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

Бажариладиган илмий-тадқиқот (фундаментал, амалий ва инновацион) ишларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда илмий ходимлар шартнома асосида илмий-техника лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этиладилар.

*) Сақлаш Институтининг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

**) Штат бирликлари сони мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ 2027 йил 1 январга қадар босқичма-босқич мақбуллаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “12” октябрдаги 639-сон қарорига
3-илова

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги
Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот
институтининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
ҳисобига молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини
2027 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Лабораториялар номи	Илмий ходимлар штат бирликлари сони		
		2022–2023 йй.	2024–2026 йй.	2027 йилдан бошлаб
1.	Яримўтказгичлар физикаси	7	6	2
2.	Микроэлектроника ва электротехника материалшунослиги	7	6	2
3.	Яримўтказгичлар микроэлектроникаси	4	4	2
4.	Муқобил энергия манбалари	5	4	2
5.	Квант электроникаси ва лазер технологиялари	4	3	2
6.	Конденсацияланган муҳитлар физикаси	3	3	2
7.	Қаттиқ жисмларнинг радиацион физикаси	4	3	2
8.	Ядро-физикавий тадқиқот методлари	3	3	2
Жами:		37	32	16

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “12” октябрдаги 639 -сон қарорига
4-илова

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
хузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника
илмий-тадқиқот институтининг Васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

1. Б.А. Мусаев – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, *Васийлик кенгаши раиси*
2. С.М. Бузрукхонов – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, *Васийлик кенгаши раиси ўринбосари*
3. И.У. Маджидов – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, *Васийлик кенгаши раиси ўринбосари*
4. А.И. Ахмедхаджаев – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
5. У.У. Шарифходжаев – Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари
6. А.Ш. Иноятов – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
7. Ж.И. Абруев – Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари
8. Ж.Ш. Эгамбердиев – Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари
9. У.Ш. Бегимкулов – Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг ўринбосари
10. Ж.Т. Мирзамахмудов – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси
11. К.С. Санакулов – “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК бош директори
12. А.Х. Хурсанов – “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси
13. Ш.Б. Умурзаков – “Ўзавтосаноат” АЖ бошқаруви раиси
14. И.У. Хайдаров – “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси
15. У.М. Мустафоев – “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси
16. Ф.М. Абдурахманов – “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раиси
17. Д.Д. Джамалов – “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари
18. Ш.Б. Утамурадова – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти директори
19. О.К. Абдурахманов – Тошкент давлат транспорт университети ректори

- | | |
|-------------------|---|
| 20. Б.Ш. Махкамов | – Тошкент ахборот технологиялари университети ректори |
| 21. Ш.И. Отажонов | – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқармаси бошлиғи |
| 22. Х.Х. Келдиев | – “Tashelectronics” МЧЖ директори |
| 23. Н.А. Тургунов | – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти илмий котиби, <i>Васийлик кенгаши котиби</i> |

Изоҳ. *Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

